

Хўрозни ушлатиб дам солиш



11:00 / 31.07.2023 8584

Ассалому алайкум! Ёшим 20да турмушга чиққанимга ҳали бир йил бўлмади. Лекин ҳали ҳам ҳомиладор эмасман. Шу сабабдан қайнонам мени ўқийдиган аёл олдига олиб бордилар. У ерда хўрозни ушлаб ўтирдим у аёл елкаларимга уриб дам солди. Бу яхшимас гуноҳ бўлади, ҳаммаси Аллоҳдан, фақат яхши ният қилиб сабр қилиш керак деганимга қарамасдан мени мажбурлашди. Бу ишимдан астойдил тавба қилдим. Шундай «ўқийдиган» инсонлар фолбинлар деб аталади деб ўқидим? Фолбинга борган аёл эри билан қайта никоҳ ўқитиши керак экан деб, олдинги саволларда ўқидим. Шу масалада ёрдам берсангиз.

Жавоб:

- Ва алайкум ассалом! Хўроз, эчки, қўй каби ҳайвонлардан фарзанд ёки хожатини сўрайдиганлар фолбинлар бўлади. Уларни фаросати шу ергача

етиб келганки, нафақат фарзандни, балки бошқа нарсаларни ҳам қодири мутлоқ бўлган Зот Аллоҳ таолодан эмас ҳайвонлардан сўрашади. Ҳадисларда фолбинни гапини тасдиқлаган кофир бўлади дейилган. Сиз аввало тасдиқламагансиз, қолаверса сизни мажбурлаб олиб боришибди. Тавба қилинг ва бундан кейин бормасликка ҳаракат қилинг. Валлоҳу аълам!

«Зикр аҳлидан сўранг» ҳайъати